

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИГА ОИД ЭКСПОЗИЦИЯЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Зубайдулло КАРИМОВ

мустақил изланувчи

Ўзбекистон тарихи давлат музейи

Тошкент, Ўзбекистон

ZKUzb@mail.ru

Аннотация

Мақолада Қуролли Кучлар давлат музейининг ташкил этилиши, ҳозирги кундаги фаолияти, Иккинчи жаҳон урушига оид кўргазмалари ва экспозицияларнинг яратилиши тарихи, музей экспозициясида ўзбекистонликларнинг фронтдаги жасорати ва қаҳрамонлиги ҳамда фронт ортидаги фидокорона меҳнатлари тасвирланиши ёритилган.

Таянч сўзлар: музей, кўргазма, экспозиция, экспонат, музей ашёлари, Иккинчи жаҳон уруши, Қуролли Кучлар давлат музейи, Қуролли Кучлар марказий музейи, ҳарбий тарих, жасорат, қаҳрамонлик, маънавий-маърифий, тарғибот.

СОЗДАНИЕ В ГОСУДАРСТВЕННОМ МУЗЕЕ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ ЭКСПОЗИЦИЙ, ПОСВЯЩЕННЫХ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЕ

Зубайдулло КАРИМОВ

независимый исследователь

Государственный музей истории Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье речь идет о создании Государственного музея Вооруженных Сил, его деятельности в настоящее время, об истории создания выставки и экспозиции на тему Второй мировой войны, изображении в экспозиции мужества и героизма узбекистанцев на фронте и их самоотверженного труда в тылу.

Ключевые слова: музей, выставка, экспозиция, экспонат, Вторая мировая война, Центральный музей Вооруженных Сил, Государственный музей Вооруженных Сил, военная история, мужество, героизм, духовно-просветительская, пропаганда.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги Қуролли Кучлар давлат музейи Туркистон ҳарбий округи қўшинлари тарихи музейи сифатида дастлаб ўз фаолиятини 1965 йилда Тошкент шаҳридаги Марказий офицерлар уйи қошида бошлаган [6].



Қуролли Кучлар давлат музейи ҳарбий-тарихий йўналишдаги Марказий Осиёдаги энг йирик музей ҳисобланиб, ҳозирги биносидаги экспозицияси 1975 йил 7 май куни Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги муносабати билан очилган. Музей биносининг иккинчи қаватида Иккинчи жаҳон уруши даври тарихи ҳамда Совет даври Қуролли Кучлари даври тарихи экспозицияси яратилган [4].



Қуrolли Қучлар Давлат музейи очилиши тадбирида Ўзбекистон Республикаси раҳбари Шароф Рашидов иштирок этиб музейни очган. Музей очилиши тадбирида Республика ҳукумати аъзолари ва жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этган.

Тадбирда Туркменистон Республикаси раҳбари Ч.Отаев бошчилигидаги делегация аъзолари ҳам иштирок этган.

Музейнинг очилиши тадбирида ушбу округнинг ҳарбий раҳбарлари ҳам иштирок этиб, Туркистон ҳарбий округи қўмондони генерал-полковник С.Е.Белоножко музейни митинг билан очади [5].

Музейнинг 1975 йил янги бинода экспозицияси очилиб, фаолиятини бошлагани республика оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилган [3].

Ўзбекистон мудофааси ўша пайтлардаги собиқ Совет иттифоқи (СССР)нинг Мудофаа вазирлиги таркибидаги Туркистон ҳарбий округида бўлиб, Туркистон ҳарбий округи бошқарув кенгаши Тошкент шаҳрида, ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги биносида жойлашган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар музейи фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 54-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар музейи “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар давлат музейи” деб қайта номланди. Мазкур қарор билан Қуролли Кучлар давлат музейи таркибида Илмий-услубий ва илмий-тадқиқот ахборот маркази ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари белгиланди [1].

Қуролли Кучлар давлат музейининг асосий вазифаси Ўзбекистоннинг ҳарбий соҳадаги тарихига оид ёдгорликларни тўплаш, тадқиқ этиш ва сақлаш, улардан ҳарбий хизматчилар ва аҳолини, айниқса ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фойдаланишни замон талаблари


даражасида ташкил этиш ҳисобланади. Ушбу асосий вазифалардан келиб чиқиб музей фондлари ва экспозицияларини Қуролли Кучлар тарихига оид архив ҳужжатлари ва бошқа экспонатлар билан мунтазам равишда янгилаб ва бойитиб бориш, ҳарбий округлар (бирлашмалар), ҳарбий таълим муассасаларининг ҳарбий-тарихий музейлари фаолиятини мувофиқлаштиришга доир ишларни олиб бориш, музей фаолияти бўйича оммавий ахборот воситаларида мақолалар эълон қилиш, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар тайёрлаш, материалларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш, музейнинг фаолият йўналишига доир маънавий-маърифий, тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқда.

Мазкур ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих институти, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи томонидан илмий-услубий ёрдам кўрсатилади.

Қуролли Кучлар давлат музейи экспозицияси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тарихи, Марказий Осиё халқлари ҳарбий санъати тарихи, Қуролли Кучларнинг мустақиллик йилларидаги ривожланиш даври, буюк саркарда Амир Темурга бағишланган “Темурийлар даври ҳарбий санъати” тарихи, Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада ошириш учун Қуролли Кучларнинг жанговарлигини мустаҳкамлаш учун амалга оширилаётган ишлар тасвирланган [2;80].


Қуrolли Кучлар давлат музейи фондида 35 мингдан ортиқ музей ашёлари мавжуд бўлиб, улардан 6700 таси Иккинчи жаҳон уруши даврига оид музей ашёларини ташкил этади.

Қуrolли Кучлар давлат музейининг Иккинчи жаҳон уруши даври ақс этган экспозициясида уруш даврига оид қуrol-аслаҳалар, нумизматика, архив ҳужжатлари, негативлар, буюмлар, алоқа воситалари ва макетларда Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабага қўшган катта ҳиссаси тасвирланган.



Музей фаолияти мамлакатимизда ҳарбий тарих фанини ривожлантириш, Қуrolли Кучларимиз тарихи ва фаолиятини аҳоли ва ҳарбий хизматчилар орасида тарғиб этиш, ватанправарлик тарбиясини мазмунан бойитиш ва янада юқори савияга қўтаришга, миллий армиямизнинг жангвор ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик даражаси сезиларли ошиши,

жамиятимизда, давлатимизда харбий хизмат нуфузи, Қуролли Кучларнинг ўрни ва аҳамиятини янада янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар музейи фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.03.2010 йил 25 май 54-сонли қарори. <https://www.lex.uz/docs/1605053>

2.Аблаев Д.Ш., Ишходжаева М.М, Ахмедова Ф.А., Шитц Э. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлар давлат музейи бўйлаб йўлқўрсатгич. – Тошкент, 2014. – 80 б.

3. “Наманган ҳақиқати” газетаси 1975 йил 9 май №92.

4. “Тошкент оқшоми” газетаси. 1975 йил 8 май №107.

5.Ўзбекистон Миллий кутубхонаси //Тошкент оқшоми, 1975 йил 8 май №107.

6.<https://uza.uz/Qurolli-kuchlar-davlat-muzeyi-55-yeshda-29-10-2020>.